

## ЎҚИТУВЧИНИНГ "ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ"ИНИ ТАВСИФЛОВЧИ ҚОБИЛИЯТЛАР МАЖМУАСИ ХАЛИКОВ АЪЗАМ АБДУСАЛОМОВИЧ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика  
фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454609>

**Аннотация.** Инсон қобилияти жуда улкан ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга. Ҳар қандай мураккаб инновацион технологиялар, замонавий ахборот ва коммуникацион тегнологиялар, интеграциялар, фан соҳасидаги оламишумул янгиликлар аввало ўқитувчи томонидан ўзлаштирилади, сўнгра унинг билими, қобилияти ва маҳорати эвазига ўқувчилар онгига ва тафаккурига етказилади.

**Калим сўзи:** қобилият, инсон, билим, замон, ахборот, шахс.

## НАБОР КОМПЕТЕНЦИЙ, ХАРАКТЕРИЗУЮЩИХ "ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАВЫКИ" УЧИТЕЛЯ

**Аннотация.** Человеческие способности имеют огромную социальную и личную ценность. Любые сложные инновационные технологии, современные информационно-коммуникационные технологии, интеграции, универсальные инновации в области науки сначала осваиваются учителем, а затем, благодаря его знаниям, умениям и навыкам, доводятся до сознания и мышления учащихся.

**Ключевые слова:** способность, человек, знание, время, информация, человек.

## A SET OF COMPETENCES THAT CHARACTERIZE THE "PEDAGOGICAL SKILLS" OF A TEACHER

**Abstract.** Human abilities are of great social and personal value. Any complex innovative technologies, modern information and communication technologies, integrations, universal innovations in the field of science are first mastered by the teacher, and then, thanks to his knowledge, skills and abilities, they are brought to the consciousness and thinking of students.

**Keywords:** ability, man, knowledge, time, information, man.

Инсон қобилияти жуда улкан ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга. Қобилият юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга, бинобарин, ижтимоий бойликнинг сон ва сифат жиҳатидан тез ўсишига ва жасият тараққиётига муносиб ёрдам беради. Бўлажак ўқитувчиларнинг ақл-заковати, қобилиягини очиш ҳамда улардан ўз ўрнида фойдаланишини ўрганиб олиши зарурлиги ҳақидаги илмий мулоҳазалар ушибу мақолада ёритилган.

**Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириши субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йигиндисига айтилади.**

Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилияти ўқитувчилар ўз фаолиятларида қобилияти паст ўқитувчиларга нисбатан кўпроқ ютуқларга эришадилар.

Ҳар қандай мураккаб инновацион технологиялар, замонавий ахборот ва коммуникацион тегнологиялар, интеграциялар, фан соҳасидаги оламишумул янгиликлар аввало ўқитувчи томонидан ўзлаштирилади, сўнгра унинг билими, қобилияти ва маҳорати эвазига ўқувчилар онгига ва тафаккурига етказилади. Бизга маълумки, йилдан йилга ўқитувчининг касбий фаолиятига нисбатан талаблар кучаймоқда. Бу ҳозирги замон талаби.

Демак, ўқитувчига нисбатан кўлланиладиган “**педагогик маҳорат**” термини ҳам ҳеч қачон ўз мавқеини йўқотмайди, балки йилдан йилга такомиллашиб бораверади.

Ўқитувчининг “**педагогик маҳорат**”ига олимларимиз томонидан берилган ва ҳозирги кунгача сайқалланиб келинган қўйидаги таърифларни келтирамиз:

a) Педагогик маҳорат – касбий билим, қобилият ва қўникмаларнинг ўқитувчи томонидан мукаммал эгалланиши;

б) Педагогик маҳорат – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам берувчи ўқитувчининг касбий хусусиятлари мажмуаси;

в) Педагогик маҳорат – ўқитувчи педагогик фаолиятининг энг олий даражаси;

г) Педагогик маҳорат – ўқитувчининг касбкорликка йўналтирилган муҳим сезигирлик ҳислати;

д) Педагогик маҳорат – таълим жсараёнида замонавий ахборот технологиялари ва инновацион технологик воститаларни, ўқитиши методларини ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиши, танлаб олинини ва қўлланилиши;

е) Педагогик маҳорат – педагогик ва методик билимларнинг барча тармоқларига кириб келаётган интеграция ва модернизацияни тез ўзлаштирилиши ва унга мослашиб фаолият олиб бории;

ж) Педагогик маҳорат – ўқитувчи касбий фаолиятининг бошқарилишини таъминлайдиган, таълимда педагогик ва психологик жиҳатдан мувозанатни бир маромда сақлаб, тартибга солувчи жсараён.

Ю.П.Азаров, В.И.Грабеклис, И.А.Зязон, Н.В.Кузьмина, В.П.Симонов, В.А.Сластенин, В.А.Сухомлинский, Г.И.Хозяинов, Е.Н.Шиянов, А.И.Шербаков каби олимларнинг фикрича, “педагогик маҳорат” тушунчасига фақат ўқитувчининг **касбий билими, қобилияти ва қўникмалари** киритилади. Ушбу мулоҳазаларни ижобий ёки салбий деб баҳолаш мумкин эмас, зеро “педагогик маҳорат” тушунчасига нисбатан берилган таърифлар ўз даврига монанд даражада ифодаланади.

Л.М.Митина, юқорида санаб ўтилган педагогик мақсаднинг қўйилиши, педагогик фикрлаш, педагогик рефлексия, педагогик одоб ва ахлоқ нормалари каби ўқитувчининг шахсий хусусиятлари ва ҳислатларини **муайян педагогик қобилияtlар гурӯҳига киритган**.

А.К.Маркованинг фикрича, “**педагогик мақсаднинг қўйилиши** – бу ўқитувчининг ўз меҳнатини режалаштиришига нисбатан эҳтиёжи ва шу билан бир вақтда ўқитувчининг жамият ва ўзининг шахсий мақсадларидан келиб чиқиб билимларини ўқувчиларга тақдим эта олиши” қобилиятидир.

В.П.Симонов тадқиқотларида қўйидаги қобилияtlар мажмуаси тақлиф қилинган:

- муаммоли вазифаларни илгари суриш қобилияти;
- педагогик фаолиятда ўзига хос қарорни қабул қилиш қобилияти;
- вазиятни олдиндан кўра олиш ва башорат қилиш қобилияти;
- ўзини бошқара олиш қобилияти;
- ўқувчилар ва педагогик жамоа билан ўзаро мулоқотга кириша олиш қобилияти;
- ўқитувчининг турли хил касбий фаолиятида ижодкорликни юзага келтириши зонасини яратма олиш қобилияти.

В.П.Галахованинг фикрига кўра, “педагогик маҳорат”нинг мукаммал таснифини – ўқитувчининг педагогик техникасиiga нисбатан қобилиятидан излаш керак. У **педагогик**

техникани – “ўқитувчининг шахс сифатида ўзини янада ёрқинроқ, ижодий, чуқурроқ ифода эта олишига ҳамда касбий фаолиятда юқори натижаларга эришишига, ўқувчиларга ўз мавқеини, фикрини, билимини қалбан етказа олишига имконият берадиган қобилиялар мажсумаси”га киради деб таъкидлайди. **Педагогик техника – ўз хулқ-авторини бошқара олиши қобилияти ва бола шахсига, болалар жамоасига таъсири ўтказа олиши қобилиягини ўз ичига олади.**

Илмий педагогик адабиётлар таҳлил қилинганда педагогик қобилияларнинг бир қатор ноаниқ чегаралари кузатилади. Хусусан, Говард Гарднер қобилияларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттига жиҳатини ажратиб кўрсатган. Интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ажратиб психологик жиҳатдан таҳлил қилган олима Ольга Матвеева ўқитувчининг қобилияти сифатида уларни муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб қуйидагича таърифлайди:

1. Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти: Ўқитувчи ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда, синфда ижодий руҳий иқлим яратса олади.

2. Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти: Ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигига, ўқувчиларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир эканлигини олдиндан башорат қила олади.

3. Эшитиш ва ҳис қилиш қобилияти: Бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар мусиқани севишиади, оҳангни яхши ҳис қилишиади, декламация асосида проза ва поэзияни яхши ўқишиади, эшиктган нарсасини хотираада сақлайди, айниқса шеър ва қўшиқларни севиб тинглайди.

4. Кинестетик (тери-мускул) қобилияти: Ўқитувчининг ўз ҳатти ҳаракатларини мувофиқлаштириши қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилган ҳолда йўналтиради, вақтни ҳаракат суръати билан ҳис қиласди, ўзи учун майсий қулайларни яратса олади, ҳаёт марҳаматларидан роҳатланишини билади.

5. Мантиқий қобилияти: Фалсафий мулоҳазалар юритшини, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни ҳал қилишини севади, сабабият ва оқибат натижаларини тушуниши малакасига эга, воқеликда асосийликни иккинчи даражалисисдан ажратса олади;

6. Шахснинг ички қобилияти: Ўз-ўзини мукаммал билиши, тушуниши ва ҳис қилиши қобилияти, эркин шахсда ички қобилият мукаммал ривожланади, иродаси мустаҳкам, қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён эта олади.

Илмий адабиётларни таҳлил қилишда бир қатор педагогик қобилияларнинг ноаниқ чегараси кузатилади:

- мақбул натижаларга эришиш қобилияти, педагогик мантиққа тузатишлар кирита олиш қобилияти;
- зиддиятларни кўра олиш, сўнгра эса унинг амалий ечимини топа олиш қобилияти;
- суҳбатдошининг ички дунёсини тушуна олиш қобилияти;
- ўқувчилар жамоасига фаол таъсири қила олиш қобилияти ва ҳоказолар.

Ушбу таърифлар педагогик қобилиялар гуруҳининг бир-бирини тўлдира олмаслигини кўрсатмоқда. **Гностик, конструктив, коммуникатив, ташкилий, лойиҳавий-гностик ва рефлексив-перцептив; репродуктив ва ижодий қобилиялар; коммуникатив, конструктив, ташкилий, экспрессив, перцептив, креатив** каби

қобиляйтлар “ўқитувчининг фаолиятга бўлган нисбий имкониятларини тавсифловчи интеграл ҳислатларини” билдиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда баъзи тадқиқотчилар педагогик фаолият қонуниятларини ўрганишда “педагогик маҳорат” атамасидан умуман воз кечадилар ёки уни турли атамалар билан алмаштирадилар: чунончи, илғор педагогик тажриба, ўқитувчининг ижодий фаолияти, педагогик компетентлик, педагогик технология ва ҳоказолар. Бирок, педагогик маҳорат – ўқитувчининг педагогик фаолиятида турли вазиятлар учун хос бўлган энг муҳим ҳислатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Чунки педагогик фаолиятни ўрганишга багишланган таҳминан *IX* асрдан ҳозирги давргача бўлган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқитувчининг касбий фаолиятида содир бўлаётган фақатгина “педагогик маҳорат” даражаси билан белгиланади ва ўқитувчининг педагогик фаолият самарадорлигини оширишга бўлган қобилятига таъсир кўрсатади. Айнан шунинг учун “педагогик маҳорат” – ўқитувчи ҳислати, яъни касбий фаолиятининг юқори серунумлигига ёрдам берадиган қобиляйтлар йиғиндиси сифатида маърузамиизда кенг изоҳланмоқда.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида унинг рефлексив қобиляти ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги сўнгги пайтларда олимлар эътиборини тортиб, уларнинг илмий тадқиқот ишларидан ўрин олмоқда.

Аслида рефлексия (лот. «reflexio» - орқага қайтиш) – «ҳар томонлама баркамол ривожланган инсоннинг ўз ҳатти – ҳаракатлари ва у яшаб турган жамият қонуниятларини англашга қаратилган назарий фаолият шаклидир; инсон маънавий дунёсининг ўзига хос яширин ҳислатларини очиб берадиган ўз–ўзини билишга ва англашга қаратилган фаолиятидир».

Шахснинг психик ривожланишини бошқариш имкониятларини илмий жиҳатдан ўрганиб, С.Л.Рубинштейн инсоннинг мавжудлигини ва унинг ижтимоий борлиққа нисбатан муносабатларини рефлексия билан боғлайди:

«Рефлексия – бу инсоннинг узлуксиз ҳаёт жараёнини гўё бир дақиқага тўхтатиб, узиди кўяди ва инсонни хаёлан унинг сарҳадларидан олиб чиқиб кетади, шу вазиятда инсоннинг ҳар бир ҳаракати ҳаёт ҳақидаги фалсафий фикр мулоҳазалари муайян бир характер касб этади».

И.С.Ладенко рефлексияни шахснинг интеллектуал фаолиятида малака ва кўнкималарини такомиллаштириш эҳтиёжи ҳамда нутқ, хотира, тасаввурларнинг ички ва ташқи шакллари ҳақида психологик қарашлари билан боғлайди. У «Рефлексия – ички тасаввурдан ташқи тасаввурга ва аксинча биридан бошқасига ўтиш, фикрлаш жараённада ушбу жараёнларнинг интериоризация (ташқи омилларнинг ички омилларга ўтиши)си ҳақидаги фикрларни шакллантириш асоси... Рефлексия асосида нафақат психологик билимлар, балки хотира, малака ва кўнкималар шакллантирилади ва амалда қўллаш усуллари такомиллаштирилади» деб ҳисблайди.

Ҳозирги замонавий педагогик илмий-тадқиқот ишларида кўплаб олимлар рефлексиянинг И.Н.Семёнов томонидан таклиф қилинган таснифига таянадилар. У рефлексиянинг қўйидаги турларини таклиф этиб шарҳлайди:

## И.Н.СЕМЁНОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН РЕФЛЕКСИЯ ТУРЛАРИ.

*Интеллектуал рефлексия:* Муаммоларни фикрлаш асосида ижобий ҳал қилишни белгилайди.

*Шахсий рефлексия:* Ўқитувчининг низоли (конфликтлар) педагогик зиддиятлардан жанжалсиз чиқишни фикран изланиш асосида бартараф қилишни таъминлайди.

*Коммуникатив рефлексия:* Мулоқот жараёнида шерикларининг ўзаро бир-бирларини тушуниб муносабат қилишни таъминлайди.

*Кооператив рефлексия:* Жамоа аъзоларининг биргаликдаги ўзаро мунтазам меҳнат фаолиятларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган фаолият.

*Педагогик маҳорат* – ўқитувчининг “жонли” педагогик фаолиятида намоён бўладиган, шаклланадиган ва такомиллашадиган, юқори профессионализм даражасига етишига ёрдам берадиган, ўз-ўзини бошқарии жараёнининг интеллектуал, иродавий, эмоционал ва жисмоний жиҳатлари бирлиги билан тавсифланадиган тизимли ўқитувчи ҳислатидир.

Мунтазам олиб бориладиган жонли педагогик фаолиятни реал ҳаёт билан узвийликда боғлаб илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида “педагогик маҳорат” ҳодисаси турли фикр ва мулоҳазалар билан бойитилиб борилди. Жонли педагогик фаолиятда кузатиладиган “педагогик маҳорат” тушунчаси айрим белгилардан иборат бўлган обьект каби тасаввур қилинмасдан, бўлинмас яхлит тушунча ҳисобланган, яъни ўқитувчини мажбурий педагогик бўшилиқقا киритадиган муносабатлар тармоғи ҳисобланган.

## REFERENCES

1. Ладенко И.С. Деятельностный ум (Деятельность. Знак. Личность). –Москва. – Смысл. –2001. –392 с.;
2. Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя: Учебное пособие для студентов педвузов, учителей и слушателей ФПК.- М.: Межд. пед. академия, 1995.- 189 с.
3. Семенов И.Н. Психология рефлексии в организации творческого процесса мышления: Автореф. дисс. доктора психол. наук. – М., 1992.- 52 с.